

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ

Жалолиддин Алишер ўғли Нурқулов

Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари факультети,

Амалий математика ва информатика йўналиши, 3-босқич талабаси

Аннотация: Мақолада ўқув жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг билимларини ошириш тизими ва унинг самарадорлик даражаси фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: билим, кўникма, таълим, ўқув жараёни, педагогик технологиялар, инсонпарвар, талабчан, адолатли, педагогик одобли, инновацион.

Аннотация: В статье рассматривается система совершенствования знаний учащихся с использованием новых педагогических технологий и уровень ее эффективности в образовательном процессе.

Ключевые слова: знания, умения, образование, образовательный процесс, педагогические технологии, гуманистический, требовательный, справедливый, педагогические манеры, инновационный.

Summary: The article examines the system of improving the knowledge of students using new pedagogical technologies and its level of effectiveness in the educational process.

Key words: knowledge, skills, education, educational process, pedagogical technologies, humanistic, demanding, fair, pedagogical manners, innovative.

Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва ғоят чигал муаммоларга бойдир. Бу муаммолар кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, фан, маданият, сиёsat, мафкура, ахлок, давлатни бошқариш соҳаларидаги, шунингдек, оиладаги ва бошқа фаолият турларининг борган сари кўпайиб, ривожланиб ҳамда уларнинг ўзгариб бориши натижасида вужудга келади. Узоқ даврлар мобайнида инсоният фикрини банд қилиб келган айрим масалалар бугунги кунда оддий ҳақиқат ва осон билиш мумкин бўлган нарсага ўхшаб кўринади. Шу муаммоларни ечиш ва ўз эҳтиёжларини кондириш мақсадида кишилар турли йўналишларда, соҳаларда фаолият кўрсатадилар. Демак, инсоннинг турли фаолиятлари ичida энг асосийси, уларнинг яшashi, камол топишини таъминлайдигани соглиқ ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган фаолиятдир.

“Кишиларнинг умумтаълим ва касбий билим даражасини ошириш, янги талаблар асосида ёшлар саводхонлигини ўстириш, узлуксиз таълим тизимини жорий этиш – энг муҳим масала” – деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов.

Талабаларнинг билиш фаолиятларини оширишда педагогик технологияларнинг аҳамияти бир қатор тадқиқотларда акс эттирилган (Т.К.Александрова. Н.С.Антонов. Е.С.Валович, В.М.Косатая, Т.А.Ладиженская ва бошқалар). Уларни ўрганиб чиқиши инновацион технология асослари сифатида фаолият турларини ажратиш асосини бир-бирига яқин фанлар учун умумий услублар (кузатиш, тажриба) ва алоҳида фан соҳалари учун ўзига хос амаллар усуллари ташкил этади деган хulosага келишга имкон беради, уларни аралаш фанларга кўчириш таъсири остида талабаларнинг умумлаштирилган малакаларига айланади.

Олий ўқув юртлари таълими тизимида педагогик технологиялар турларга ажратиб ишлаб чиқилмаган. Педагогик технология илк маротаба ишлаб чиқилган тури вақт мезонларига асосланган: дастлабки, ёрдамчи ва кейинги

(истиқболли) алоқалар (Ю.Вайткявиchус. Н.М.Верзилин. В.М.Корсунская ва бошқалар) кўринишида бўлган.

«Ўзбекистон Республикасида «Педагогика таълим концепцияси»да мактабларда ишлаши лозим бўлган ўқитувчи идеали қуидагича тасвирланган: «Ўзбекистон Республикаси мактабарида ишлаш учун тайёрланаётган ўқитувчилар педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларни, дунёвий билимларни, ихтисосга доир билим, кўникмаларни, психологик-педагогик билимлар ва кўникмаларни эгаллаган, диний илмлардан хабардор, маънавий баркамол, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида равнақ топишига ишонган, ватанпарварлик, фуқаролик бурчини англаган, ўқитувчилик касбини ва болаларни севадиган, инсонпарвар, талабчан, адолатли, педагогик одобли, талабаларнинг баркамол шахс бўлиб этишишларига кўмаклашадиган бўлмоғи керак».

Жисмоний тарбия таълими мураккаб жараён бўлиб, унинг методлари, восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб тақомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар анъанага айланади.

Халқ педагогикасида турли таълим усуллари ва воситаларидан фойдаланилади, бу усул ва воситалар ниҳоятда ранг-барангдир. Булар илмий педагогиканинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Педагогикада назарий билим олиш методлари қуидаги гурухларга бўлинади:

- ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар;
- фаолият жараёнида ижтимоий тажрибаларни шакллантириш усуллари;
- мустақил билим олиш усуллари;
- рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.

Назарий билим беришда ўқитишнинг турли-туман методларидан фойдаланилади. Бу ўринда И.Я.Лернер, М.Н Скаткин, М.А.Данилов, Б.П.Есипнинг тавсия қиласидан методларидан фойдаланиш ижобий натижаларни беради. Улар қуидагилар:

- тушунтириш методи

- репродуктив метод
- муаммоли баён қилиш методи - қисман изланиш методи
- тадқиқот методи.

Талабаларга назарий таълим беришда муаммоли ўқитиш методлари ҳам самарали натижаларни беради, чунки таълимда муаммоли ёндошиш ўкув дастурларида ҳам, ўқитувчи билимларини баён қилишда ҳам, талабаларнинг мустақил ишларида ҳам ўз ифодасини топади.

Назарий таълимга оид билимлар антик дунёning кўзга кўринган олимлари Платон, Аристотел, Ктесий, Ксенофонт асарларида, шунингдек қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Марказий Осиё олимларининг асарларида ўз аксини топган эди.

Талабаларда назарий билимларни шакллантириш, турли-туман муаммоли таълим усулларидан фойдаланиш ижобий натижаларни беради ва жисмоний тарбия масалаларининг ечимини топишида қўл келади.

Инновацион усуллар орқали назарий билимларни ошириш талабаларда билимдонликни ва маданиятни қарор топтиришга қаратилган. Инсонпарварлик нуқтаи назаридан тарбиянинг асл мақсади ҳар бир тарбияланувчининг муносабатлари, ўзлаштириш фаолияти, тўла ҳуқуқли субъектнинг мустақил, эркин шахс бўлиб етишишидан иборатdir.

Таълим-тарбия жараёнининг инсонпарварлик даражаси, шу жараёнда шахс ўзини намоён эта олиши, ўзидағи ҳамма таълим олиш имкониятларини, шу жумладан назарий билимдонликни очиб бера билиши, унинг эркинликка қобилияти, ижодга маъсулиятини очиб бериши учун шарт-шароитлар яратиб бериши билан белгиланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, инновацион жараёнларни ўрганиш учун бошқа йўллар зарур, унда инновация таҳлили фақатгина фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишнигина ўз ичига олмай, балки, бошқариш, таълим, ҳуқуқ, касбий таълим ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганигининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимидағи маъруzasи. 7 декабр 2016 й.
3. Ишмухамадов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Тошкент 2008 - 181 бет.
4. Абдураимов Д. Э. Описание алгоритмов важность программы Crocodile ICT //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2019. – №. 4-3. – С. 8-9.
5. Нуркулов, Ж. А. Ў. (2022). МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ ПО ПРОТОКОЛАМ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ. Science and innovation, 1(A3), 158-163.
6. Абдураимов, Достонбек Эгамназар Ўғли, Абдураим Намазович Адилов, and Алишер Пардабо Ўғли Турдиев. "АНИЗОТРОП ВА ИЗОТРОП ЖИСМЛАР УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК БОҒЛИҚ МАСАЛАНИНГ ИККИ ЎЛЧОВЛИ ҲОЛАТДАГИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ." Scientific progress 1.5 (2021): 449-453.
7. Абдураимов Д. Э. Ў., Абдурахманов О. Н. ОБЪЕКТ АЛОМАТ ВАЗНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ОРҚАЛИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 21-25.
8. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
9. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.